# АССАЛОМ, УЛУҒ АЙЁМ—НАВРЎЗИ ОЛАМ!


# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2002 йил, 21 март, пайшанба № 35 (1611).

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 21 марта, 2002 г. № 35 (1611).

Газета издается с 24 июня 1992 г.

● В розницу — цена свободная.


## ХАЛҚАРО КУРАШ АССОЦИАЦИЯСИ ФАХРИЙ ПРАЗИДЕНТИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари.

Бу тарихий чемпионат баҳонаси ила, биз, панамерикаликлар 3500 йилдан зиёд тарихга эга кураш билан, кураш орқали унинг ватани бўлмиш Ўзбекистоннинг ўтмиши, маданияти ва бугунги куни билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдик.

Биз кураш аталмиш халқаро оиланинг аъзолари сифатида доимо Сизнинг халқаро майдондаги фаолиятингизни кузатиб борамиз. Сиз юритаётган тинчликпарварлик сиёсати барча миллатлараро ва сиёсий низоларни барҳам топтиришда ўрнак бўлгулик сабоқдир, деб ҳисоблаймиз. Афғонистон мисолида бу фикр ўзининг ёрқин исботини топди.

Шимолий ва Жанубий Американинг АҚШ, Канада, Бразилия, Чили, Доминикан Республикаси, Парагвай, Уругвай, Перу, Боливия каби мамлакатлари, Американинг бошқа давлатлари вакиллари иштирокида кураш бўйича биринчи тарихий панамерика чемпионатининг муваффақиятли ўтказилгани кураш нафақат бизнинг қитъамизда, балки бутун дунёда мислсиз шиддат билан ривожланиб бораётганини кўрсатади. Бу фақат кураш ватани бўлмиш Ўзбекистоннинг эмас, жаҳонга спортнинг янги турини тақдим этган бутун Осиё қитъасининг буюк ютуғидир.

Ўзбекистон билан Американи ўн минглаб километрлик масофа ажратиб турган бўлишига қарамай, курашнинг халқаро миқёсдаги ривожига ўзига хос ҳисса қўшаётганимиздан фахрланамиз.

Биз, кураш XXI асрда дунёдаги энг оммавий ва кенг тараққий этган спорт турларидан бири бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз. У спортнинг яқин йилларда Олимпия ўйинлари сафидан жой олишга лойиқ бўлган туридир.

Курашни Олимпия ўйинлари дастурига киритиш— умумий мақсадимиз. Сизнинг доно маслаҳатларингизга таяниб, бу оғир ва машаққатли, лекин айни вақтда шарафли тарихий ишда муваффақият қозониш учун куч-ғайратимизни аямаймиз.

Кураш бўйича биринчи тарихий панамерика чемпионатининг иштирокчи ва ташкилотчилари Сизга ва халқингизга фаровонлик, мусаффо осмон, равнақ ҳамда кураш бутун дунёда муваффақият қозонишини тилайди.

Кураш бўйича биринчи тарихий панамерика чемпионатининг иштирокчи ва ташкилотлари номидан,

**Эдгар КЛАУРЕ,**
**Панамерика кураш конфедерацияси президенти,**
**Боливия кураш федерацияси президенти.**
**Ла-Пас шаҳри, Боливия.**

## ЕГО ПРЕВОСХОДИТЕЛЬСТВУ ГОСПОДИНУ ИСЛАМУ КАРИМОВУ, ПРЕЗИДЕНТУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Уважаемый
Ислам Абдуганиевич,

Примите поздравления по случаю десятой годовщины установления дипломатических отношений между Российской Федерацией и Республикой Узбекистан.

За истекшие десять лет пройден большой путь в становлении и развитии дружественных российско-узбекских отношений, основанных на принципах равенства, взаимной выгоды, обоюдного уважения интересов друг друга.

Уверен, что сотрудничество между нашими странами, имеющее огромный потенциал, будет и впредь углубляться, охватывать все новые сферы плодотворного взаимодействия. В этом заинтересованы народы России и Узбекистана, в этом видится важный залог и гарантия поддержания мира и стабильности в регионе Центральной Азии.

Желаю Вам, уважаемый Ислам Абдуганиевич, доброго здоровья, успехов в Вашей государственной деятельности, народу Узбекистана — благополучия и процветания.

**В. ПУТИН,**
**Президент Российской Федерации.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ

## ҚАРОРИ

### ДАМ ОЛИШ КУНИНИ 2002 ЙИЛ 24 МАРТ ЯКШАНБА КУНИДАН 22 МАРТ ЖУМА КУНИГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Наврўз байрамини нишонлаш муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Дам олиш куни 2002 йил 24 март якшанбадан 22 март жумага кўчирилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 19 март.

## АҚШ ЭЛЧИХОНАСИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЧИЛГАНЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАМОҚДА

Тошкентда Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги элчихонаси очилганлигининг 10 йиллигига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

АҚШ ташқи сиёсат маҳкамасининг ваколатхонаси 1992 йил 16 мартда очилган. АҚШ мустақил Ўзбекистонда дипломатик миссиясини бошлаган биринчи мамлакат бўлди.

Маросимда сўзга чиққан АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жон Эдвард Хёрбст 11 сентябрдаги террорчилик ҳаракатларидан кейин АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ҳар қачонгидан кўра яқинлашганини таъкидлади. Ўтган ҳафтада Президент Каримовнинг Қўшма Штатларга биринчи расмий ташрифи ҳам бундан далолат беради, деди жаноб Хёрбст.

АҚШ ва Ўзбекистон ҳукуматлари ўртасидаги алоқаларнинг рамзи сифатида элчихона биноси тепасига илгари Вашингтонда Конгресс биноси узра ҳилпираган АҚШ байроғи кўтарилди. Бу байроқ конгрессмен Дэвид Хобсон бошчилигидаги Конгресс делегациясининг Тошкентга ташрифи чоғида элчихонага топширилган эди.

Ўтган 10 йил давомида Ўзбекистонда АҚШнинг тўрт нафар элчиси — Генри Кларк, Стэнли Эскудеро, Жозеф Пресел ва Жон Хёрбст фаолият кўрсатди. АҚШнинг Тошкентдаги миссияси бошланган кундан эътиборан Америка ҳукуматининг кўпгина юқори мартабали делегациялари Ўзбекистонга ташриф буюрди.

Маросимда Америка дипломатик миссияси раҳбари маълум қилганидек, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар ривожланганини сари элчихонанинг эски биноси барча ходимларни жойлаштиришга қийналмоқда. Шу муносабат билан Тошкентнинг шимоли-шарқий қисмида элчихонанинг янги биносини қуриш учун ер майдони сотиб олинди. Ўзбекистон Президентининг АҚШга расмий ташрифи чоғида бу ҳақда битим имзоланди.

Маросимда Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

**(ЎзА).**

**○ СЕНИНГ ЎҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!**



**Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг IV курс курсанти Раҳимжон Жўраев энг иқтидорли бўлажак офицерлардан. У назарий ва амалий машғулотларда доимо олдинги сафда.**

**Н. ЮСУПОВ** суратга олган.

**● ИНФОРМАЦИЯ В НОМЕР**

## ПРИОРИТЕТ — КАЧЕСТВУ ОТБОРА

**На состоявшемся в Центральном Доме офицеров совещании, посвященном вопросам подготовки кандидатов на поступление в военные училища Узбекистана, эта тема была главной. Все выступавшие сходились в том, что подготовка офицерских кадров является делом государственной важности.**

Открыл совещание кратким вступительным словом заместитель Министра обороны по воспитательной работе полковник М. Ахмедов. Затем с подробным анализом качественных параметров поступавших в 2000 и 2001 годах абиту-

(Окончание на 2-й стр.).

**● ВНИМАНИЕ! ВНИМАНИЕ! ВНИМАНИЕ!**

## ПРЯМАЯ ЛИНИЯ

**23 марта с. г. с 11.00 до 13.00 часов редакцией газеты «Ватанпарвар» будет проведен прямой провод. На все интересующие наших читателей вопросы будет отвечать заместитель Министра обороны Республики Узбекистан по воспитательной работе полковник Маннобжон АХМЕДОВ.**

**Уважаемые военнослужащие, члены их семей, родители солдат и сержантов, проходящих срочную военную службу, в этот день вы сможете задать любой интересующий вас вопрос, чтобы получить на него полный квалифицированный ответ. Для связи с вами в редакции будут подключены телефоны:**

**56-07-80;**
**56-17-98;**
**56-04-60.**

**Для иногородних сообщаем код города Ташкента— 371-2.**

**Для военнослужащих из дальних гарнизонов также сообщаем, что они могут воспользоваться телефоном специальной связи.**

**Ждем ваших звонков!**

**РЕДАКЦИЯ.**

